

Довуд Тоийнинг вафоти



07:30 / 21.02.2019 3032

Ҳафс ибн Умар Жаъфарий айтади: «Довуд Тоий бетоб бўлиб қолди. У жаҳаннам зикр қилинган бир ояти каримани кечаси билан такрор-такрор ўқиб, эрталаб бетоб бўлиб қолибди. Қўшнилари, қариндошлари ҳовлига киришса, у бошини бир хом ғишт устига қўйган ҳолда жон таслим қилган экан. Қўшнилари билан бирга кирган Ибн Саммок унга қараб: «Эй Довуд, қориларни уятга қўйдинг-ку!» деди. Довуд Тоийнинг жанозасига жуда кўп одам ҳозир бўлди.

Тобутни кўтариб, қабристонга олиб кетишди. Ибн Саммок унга қараб: «Эй Довуд, нафсинг сени қўлга олишидан олдин сен уни жилаб олган эдинг. Ҳисоб-китоб бўлишидан аввал нафсингни ҳисоб-китоб қилиб олган эдинг. Бугун савобинг ўзинг орзу қилгандек бўлди. Бундай натижа учун сен тинимсиз амал қилдинг», деди. Абу Бакр ибн Айёш: «Аллоҳим, Довуднинг қилган амалларини бесамар қилмаган!» деб дуо қилди. Ўша ердаги одамлар ҳам унинг дуосига «Омин» деб туришди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан